

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси
Матбуот хизмати тўғрисидаги
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–141-сон Фармонида асосан Матбуот хизмати ташкил этилган.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг (кейинги ўринларда – Академия) Матбуот хизмати фаолиятини тартибга солишга нисбатан татбиқ этилади. Факультет Академиянинг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

3. Матбуот хизмати ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, Академия Устави ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

4. Матбуот хизматига матбуот котиби раҳбарлик қилади. Факультет Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–141-сон Фармонида 1-илова билан тасдиқланган Академиянинг тузилмасига мувофиқ Матбуот котиби бевосита Академия ректорига бўйсунди.

5. Факультетнинг расмий номи:
давлат тилида – Магистратура факультети;
инглиз тилида – Press Service;
рус тилида – Пресс служба.

2-боб. Асосий вазифалар

6. Матбуот хизмати қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Академия фаолияти, жумладан одил судлов соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда таълим ислохотлари ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар ва медиатурлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;

Ўзбекистон Республикасида одил судлов соҳасида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотлар, шунингдек, Академиянинг мазкур жараёнлардаги ўрни ва фаолиятини ёритиш бўйича ахборот-тушунтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Академиянинг ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш, жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда бошқа шаклларда жамоатчилик билан мулоқотни йўлга қўйиш;

Ахборот сиёсати соҳасида зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот

воситалари учун контент тайёрлаш маркази билан самарали ва тизимли амалий ҳамкорликни таъминлаш;

оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Академия ахборот хизмати билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасини шакллантириш, тезкор ахборот тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш мақсадида экспертлар ва мутахассислар гуруҳини шакллантириш;

оммавий ахборот воситаларида Академия раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва етакчи мутахассисларининг чиқишларини мунтазам ташкил этиш;

Ахборот маконини доимий мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш, Академия фаолиятига оид танқидий ёки кенг муҳокама қилинаётган материалларга тезкор ва асосли муносабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет тармоғида Академия фаолиятига алоқадор ахборот тарқатиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

Давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун хабарлар, маълумотлар, шарҳлар ҳамда бошқа ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва тарқатиш;

Академия фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш, долзарб таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда улар ҳақида Академия раҳбариятига мунтазам ахборот киритиб бориш;

Академия фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида ваколатли вазирликлар ва идоралар орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналарини ахборот материаллари (босма маҳсулотлар, фото, аудио ва видеоматериаллар ва бошқалар) билан таъминлаш;

Академия ваколатига кирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамда тасдиқланган ҳужжатлар матнларини белгиланган тартибда Академиянинг расмий веб-сайти ва бошқа расмий ахборот ресурсларида жойлаштиришни таъминлаш;

Академия фаолиятига алоқадор матнли, фото, аудио ва видеоматериаллардан иборат ахборотлар базасини шакллантириш, тизимлаштириш ва доимий равишда янгилаб бориш. Академиянинг ижобий имижини шакллантириш ва мустаҳкамлаш.

3-боб. Матбуот хизматининг асосий функциялари

7. Пресс-релизлар, хабарлар, шарҳлар ва таҳлилий материаллар тайёрлаш ҳамда уларни тарқатиш.

8. Матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар ва медиатадбирларни ташкил этиш.

9. Академиянинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини юритиш.

10. Давлат органлари ва оммавий ахборот воситалари билан ахборот сиёсати соҳасида ҳамкорлик қилиш.

11. Ахборот материалларининг архиви ва маълумотлар базасини шакллантириш.

4-боб. Матбуот хизматининг мақоми, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

12. Матбуот котибининг мақоми меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий кафолатлар бўйича Олий суд аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт таъминоти шартлари ва бошқа имтиёзлар татбиқ этилади.

13. Матбуот котибининг ҳуқуқлари:

Академиянинг барча таркибий тузилмаларидан зарур ахборот ва ҳужжатларни белгиланган тартибда олиш;

Академия раҳбарияти иштирокидаги йиғилиш ва тадбирларда қатнашиш;

Академия фаолияти бўйича материалларни матбуотда ёритилишини таъминлаш ҳуқуқига эга.

14. Матбуот котибининг мажбуриятлари:

Академия фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ўз вақтида ва ҳолисона ёритилиши;

Ахборот соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида академия ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари билан ҳамкорликни таъминланиши;

Академия веб-сайтида ва ижтимоий тармоқларида ахборотларни тезкорлик билан жойлаштирилишини ташкил этиш ва жойлаштирилишидан иборат.

5-боб. Матбуот хизматининг жавобгарлиги

15. Матбуот котиби ахборотнинг ҳаққонийлиги, ҳолислиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

16. Ахборот хавфсизлиги ва давлат сирларини сақлаш талабларига риоя этади.

6-боб. Яқуний қоидалар

17. Ушбу Низом Матбуот хизмати фаолиятини ташкил этувчи асосий норматив ҳужжат ҳисобланади.

18. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низоли ҳолатлар Академия Устави, ички норматив ҳужжатлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

19. Низом Академия ректори томонидан тасдиқлангандан сўнг қучга киради.

20. Мазкур Низомга Академия Кенгашининг қарорига мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.